

**АБУ НАСР ФАРОБИЙНИНГ “ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИ”
АСАРИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 327-гуруҳ курсанти

Юлдошев Жасур Умиджон ўғли

Аннотация : Ушбу мақолада Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридаги давлат бошқаруви ва адолатли жамият қурилишига оид қарашлари таҳлил қилинган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида **маънавият, ахлоқ ва илм** муҳимлиги асосланган. Фаробийга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг илдизи – **маънавий етишмовчилик ва билимсизлик**. Шу боис, **маънавий тарбия, адолатли бошқарув ва ҳуқуқий маданият**ни ошириш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин. Фаробий зоялари **замонавий ислохотлар** билан қиёслаб таҳлил қилинган.

Аннотация: This article analyzes Abu Nasr al-Farabi's views on state governance and the establishment of a just social system as presented in his work “The Virtuous City.” The author emphasizes the role of morality, ethics, and knowledge in preventing legal violations. According to al-Farabi, the root of every offense lies in a person's moral deficiency and ignorance. Therefore, strengthening moral education, ensuring just governance, and raising the level of legal awareness among citizens are the main means of preventing crimes and offenses. The article also provides a comparative analysis of al-Farabi's ideas with modern legal reforms and preventive measures.

Калит сўзлар: Фаробий, фозил шаҳар, жоҳиллик, профилактика, маънавият, адолатли бошқарув, таълим-тарбия.

КИРИШ

Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари ижтимоий ҳаётнинг кўплаб масалаларини қамраб олган: давлат бирлашмасининг хусусиятлари, давлат бошқаруви, унинг вазифалари, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва бурчи, умумий бахт-саодатга эришиш йўллари, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва тинчлик, меҳнат ҳамда шахс ривожланиши муаммолари. Фаробий асарлари орасида ушбу китоб алоҳида аҳамиятга эга, чунки унда жамиятнинг келиб чиқиши, адолатли жамиятга эришиш йўллари, фозил шаҳар ҳокими ва аҳолисининг фазилатлари, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарувчи кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби масалалар муфассал баён этилган. Бундан минг йил аввал яратилганига қарамасдан, асар бугунги кунда ҳам долзарбдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

1. Жоҳиллик – ҳуқуқбузарликларнинг илдизи

Фаробий жоҳиллар шаҳри аҳлини тавсифлар экан, уларнинг руҳий ҳолатини қуйидагича ифодалайди: «...ҳозирги ҳаётнинг кўпроқ ёмонлашади ва охири майиб-мажруҳ бўлиб қолади. Шу туфайли улар ўзларига ёқадиган ёмон ишлардан ҳузур-ҳаловат оладилар». Жоҳиллар нодон, илмсиз, маънавиятсиз ва маърифатсиз кимсалар

бўлиб, бахт-саодат ва юксак камолот нималигини тушунмайди. «Улар бахту давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзаки нарсаларни – мол-дунё, жисмоний лаззат, хирсу ҳавас, обрў, амал, шон-шухратни ҳақиқий бахт деб ўйлайдилар». Агар бу иллатларнинг олди олинмаса, улар авлоддан-авлодга ўтиб, жамият ва давлат келажагини хавф остида қолдиради. Шу боис, Фаробий ҳуқуқбузарликларнинг илдизини маънавий етишмовчилик ва билимсизликда кўради.

2. Инсоннинг табиати ва камолоти

Фаробий инсонни бошқа жонзотлардан сифат жиҳатидан фарқлантиради:

- **биринчидан**, ақлли мавжудот (ақл ва жон – табиий ибтидо);
- **иккинчидан**, тил ва нутққа эга;
- **учинчидан**, касб-ҳунар билан шуғулланади.

Бу хусусиятлар инсон ривожланиши ва такомиллашувига имкон беради. Камолотга эришишда **таълим ва тарбия** муҳим: «Таълим назарий камолотга, тарбия эса ахлоқий кадр-қиммат ва амалий фаолиятга олиб боради».

3. Фозил ва жоҳил жамиятлар

Фаробий “фозил” (адолатли) ва “жоҳил” (жаҳолатдаги) жамиятларни қиёслайди. Жоҳил жамият аъзолари ахлоқий фазилатлардан маҳрум, ярамас хулқ-атворли кишилардир. «Фазилатсиз шаҳар одамларининг руҳлари ёмонлашиб бораверади». Аммо аллома умид билан айтади: «Жаҳолат, ёвузлик, ҳақсизлик абадий эмас... Инсоният юксак камолот ва олий бахт-саодатга эришади».

4. Жамиятнинг келиб чиқиши ва мақсади

Жамият инсонларнинг **жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжидан** пайдо бўлади: «Ҳар бир инсон яшаш ва етукликка эришиш учун кўп нарсаларга муҳтож... Бунинг учун инсонлар жамоаси зарур». Жамиятнинг асосий мақсади – **инсонни бахт-саодатли қилиш**. Инсон тақдири ўзининг кўлида: ўз ихтиёри билан фаолият кўрсатиб, бахтини ўзи яратади. Фаробий урушсиз тинчлик, адолат, ҳамжихатликка асосланган идеал инсоният жамоасини орзу қилади.

5. Шаҳар жамоаси: фозил ва фазилатсиз

Энг такомил жамоа – **шаҳар**. У **фозил** (бирлик, тотувлик, ўзаро ёрдам) ва **фазилатсиз** (разолат, обрўпарастлик, ҳокимиятпарастлик) турларга бўлинади. Фаробий демократияни “етук бошқарув” деб эмас, балки **фозил шаҳарга олиб борадиган босқич** деб билади. Идеал жамоада одамлар **ақлий иқтидор, билим ва кўникмага** қараб гуруҳланади (диний мазҳаб эмас). Бу ерда **илм ва яхши ахлоқ** орқали бахт-саодатга эришилади.

6. Давлат бошқаруви шакллари

Фаробий давлатни уч шаклда бошқариш мумкинлигини кўрсатади[5]:

- **монархия** – етук шахс;
- **аристократия** – етук хислатли бир неча шахс;
- **демократия** – сайланган шахслар.

7. Бошқарув – алоҳида санъат

Жамият бошқаруви – **алоҳида санъат**. Раҳбар **ҳокимлик санъатига** эга бўлиши керак: у бошқа санъатларга бўйсунадиган, комил файласуфдир. У **ақл, тушунча,**

нутқ ва амалиётда устун бўлиб, одамларни бахтга йўналтиради. Раҳбарлик қобилияти туғма эмас – муаллим ва раҳбар керак.

8. Фозил ҳокимнинг хислатлари

Фозил ҳоким туғма табиий хислатларга эга бўлиши лозим:

1. нозик фаросат;
2. комил аъзолар;
3. яхши хотира;
4. ўткир зеҳн;
5. ифодали нутқ;
6. билимга ҳавас;
7. шахвоний ҳислардан тийилиш;
8. ҳақиқатсеварлик;
9. ор-номус;
10. олийҳимматлик;
11. мол-дунёдан йироқлик;
12. адолатпарварлик;
13. қатъият, жасорат, мардлик.

9. Ворислик ва барқарорлик

Кейинги раҳбар аввалгисининг ишларини давом эттириши учун **олти хислат** керак:

1. донишмандлик;
2. қонун ва одатларни билиш;
3. ижодкорлик;
4. башоратгўйлик;
5. нотиқлик;
6. ҳарбий қудрат.

Афлотундан фарқли ўлароқ, Фаробий **ҳар қандай шахс** (мулкдор эмас) раҳбар бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.

10. Раҳбар тоифалари

Фозил шаҳар бошлиқлари **тўрт тоифа**га бўлинади[7]:

1. **Биринчи тоифа** – подшо (олти хислат: донолик, мулоҳаза, ишонтириш, жанг қобилияти, комил тана).

2. **Иккинчи тоифа** – олти кишидан иборат гуруҳ (ҳар бири битта хислат).

3. **Учинчи тоифа** – тажрибали бошқарувчи (суннат, нотиқлик, жангчи).

4. **Тўртинчи тоифа** – тажрибали кишилар гуруҳи.

11. Фаробий ғоялари ва замонавий профилактика: қиёсий таҳлил

Фаробий ғояси	Замонавий (Ўзбекистон) амалиёт	Алоқадорлик
Жоҳиллик – жиноят илдири	ИИБ Академиясида “Хукукбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси” фани [9]	Маънавий етишмовчиликни бартараф қилиш
Таълим + тарбия = камолот	“Маънавият ва маърифат” миллий дастури	Ёшларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш
Фозил рахбар – адолат ва илмли	ИИБ ходимларининг касбий тайёргарлиги [6]	Давлат хизматчиларининг сифати
Жамият бирлиги	“Обод маҳалла” лойиҳаси	Жамоавий масъулият

2018–2025 йилларда **вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 38% га камайди .**

Кўринадики, фозиллар шахри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал, қобилиятли, ҳар томонлама ётуқ бўлиши билан бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. «Доно бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шахар ҳалокатга юз тутди, фуқаролари эса жабрзулмга мубтало бўлади», дейди Форобий.

Инсонларда адолат, виждон, ор – номус, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби кўплаб ажойиб ҳис – туйғулар ривожланган.

Қисқаси, инсоннинг комил, етуқ, баркомол бўлиб етишишида миллий қадриятларнинг таъсири бениҳоя каттадир.

Абу Наср Форобий бу ҳусусда шундай деб ёзган: “Кишилар туғилганида камолотли бўлиб туғилмайди, уларнинг орасида аслидафарқлар бўлмайди, хулқи, фаолияти, ҳаёти истаганча бўлабермайди. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамият орасида ўса бошлагандан кейин, бу ердаги қарама – қаршиликларни ўзига сингдира бошлайди, ҳар хил мушкулотларга дучор бўлади. Унинг адолатга яқинлиги ёки узоклиги хулқиға, яшаган жамиятиға боғлиқ. ”

Абу Наср Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги ғоялари билан узвий боғланган. Умуман олганда фозил жамият-комил инсон, бахт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ҳақидаги ғоялари ўз даври учун ҳаёлийдир.

Абу Наср Форобий фозил жамият ва фозил шахар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисида бўлган ҳар бир одам касб-хунар билан шуғулланади, улар орасида яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади. Фозил жамоани бошқарувчи подшоҳ доимо ғамхўр бўлиши, ўз манфаатидан бошқалар манфаатини юқори қўйиши зарур .

Абу Наср Форобий фикрича давлатни бошқариш икки хил бўлади. Инсонларни ҳақиқий ва ҳаёлий, сохта бахтга элтувчи давлат тузиш, давлатни бошқариш санъати ва бошқаришнинг умумий қонунларига биноан назарий билим ва талабларга

асосланади. Абу Наср Форобий дин эркинлиги тарафдоридир. Абу Наср Форобий давлатни бошқарувчисининг зарурий фазилатларидан бири, мулоҳазали бўлиш, адолатпарвар, камтар, ҳақиқатгўй ва ақл билан иш кўришдир. Абу Наср Форобий инсон ақлининг билиш қобилиятларини аниқлашга интилади.

Раҳбарда билиши зарур бўлган қоида ва ахлоқий ҳислатлар ҳақида Фарбий куйдагиларни алоҳида зикр этади.

Шаҳар (давлат) тартиботида энг асосий нарса мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлашдир; кўпчилик одамларнинг иши жўнлашиб, бемаънилашиб кетмасин, зарур нарсаларнинг озайиб кетиши одамларни фақир аҳволга солиб қўймасин.

Форобий бир ҳокимнинг ўрнига келадиган бошқа шахснинг ҳам юқорида келтирилган фазилатларга эга бўлиши зарурлигини шу билан бирга, ўзидан аввалги ҳокимнинг яхши ишларини давом эттириши, жамиятнинг барқарорлиги ва қонунларнинг ворислилигини таъминлаш учун бўлғуси раҳбарда куйидаги олти ҳислатни тарбиялаш кераклигини таъкидлайди. Биринчидан, донишманд бўлиш; иккинчидан, аввалги ҳокимлар ўрнатган қонун-қоидаларни ва одатларни билувчи ва ёдда тутувчи бўлиш; учинчидан, аجدодлардан тегишли қонун сақланиб қолмаган соҳада бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод ва иштирокчиликни намоён этиш; тўртинчидан, мавжуд воқеликни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги ҳокимлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик ҳислатига эга бўлиш; бешинчидан, аввалги ҳокимлар ўрнатган қонунларга, шунингдек аввалгиларидан ибрат олиб, ўзи чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун нотиклик ҳислатига эга бўлиш; олтинчидан, зарур ҳолларда лашкарга қўмондонлик қилиш учун жисмонан бақувват бўлиш ва ҳарбий санъатни яхши билиш. Бошқарувга фақат мулкдорлар вакиллари тайинлаш тарафдори бўлган Афлотундан фарқли ўлароқ Форобий мазкур талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахс ҳоким бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.

Фазилатли шаҳар бошлиқлари тўрт тоифага бўлинади, деб таъкидлайди аллома, уларнинг биринчи тоифасига ҳақиқат йўлида иш олиб борувчи подшо киради. У биринчи раис, яъни бошлиқ деб аталиб, унинг олтита ҳислати бор: донолик, ўта мулоҳазалилик, ишонтириш қобилиятига, жисмоний жиҳатдан жанг қила олиш қобилиятига эғалик ҳамда тана тузилиши жиҳатидан жангчига хос бўлиши, яъни танасида бирон бир камчилиги бўлмаслиги керак. Ана шундай ҳислатларни ўзида жамлаган шахс ўз фаолиятида, сўзини ўтказишда, буйруқларни бажартиришда, иш юритишда моҳир бўлади. Форобий ушбу ҳислатларнинг бир одамда бирлашиши қийин эканлигига, шу сабабли бундай кишилар жуда камдан-кам учрашига ишонади. Шу боисдан у иккинчи раҳбарга қўйиладиган шартларни дастлаб олтитагача, сўнгра эса биттага камайтиради. Аммо, бунда ҳар бири белгиланган нормалардан бирига жавоб берадиган олтита раҳбар бўлиши шарт қилиб қўяди. Агар шундай киши топилмаса, - деб ёзади Форобий, - юқоридаги ҳислатларни ўзида жамлаган бир гуруҳ ҳам подшонинг ўрнини босишлари мумкин. Яъни бири бу гуруҳнинг ғояларини илгари суради, иккинчиси бу ғояларни қандай қилиб амалга ошириш йўллари кўрсатиб беради, яъни бири ишонтиради ва тушунтиради. Охиргиси эса

лашкарбошилиқ қилади, шундай қилиб, буларнинг ҳаммаси йиғилиб, подшолик ролини ўтайдилар ва аҳил бошлиқлар деб номланадилар ва улар ташкил этган ҳайъат, фозиллар ҳайъати деб аталади. Агар бундай кишилар бўлмаса, бу вақтда шаҳар бошлиғи, шароит ва сунналарни яхши биладиган, ҳар қандай шароитда аҳволни тушуна оладиган, ўқиган пайти келганда суннада ёзилмаган нарсаларни ҳам топиб қўллаш биладиган, яхши фикрли шаҳарни ташкил қиладиган устароқ бўлган, нотиклик қобилияти бор жангчи ҳам бошлиқ бўлса бўлади. Бундай бошлиқ тажрибали бошқарувчи деб ном олади. Агар бундай киши ҳам топилмаса, унинг ўрнини юқоридаги хислатларга эга бир гуруҳ шахслар ҳам бажариши мумкин. Бу жамоа тажрибали кишилар деб номланади.

ХУЛОСА

Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шахри” асаридаги ғоялар бугунги кунда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим аҳамиятга эга. Унинг фикрича, ҳар қандай жиноятнинг илдизи – **маънавий етишмовчилик ва билимсизлик**. Шу боис, Ўзбекистонда амалга оширилаётган **маънавий-маърифий ислохотлар, вояга етмаганлар ўртасидаги профилактика** (2017 йилги Қонун), **ИИВ Академиясининг таълим дастурлари** Фаробий ғояларининг амалий ифодасидир. Фаробийнинг **адолатли раҳбар** талаблари замонавий кадрлар тайёрлаш тизимида, **фозил жамият** ғояси эса **маҳалла институти** ва **фуқаролик жамиятини** ривожлантиришга мос келади. Фаробий меросини ўрганиш ва амалда қўллаш орқали адолатли жамият барпо этиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шахри”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 320 б.
2. Абу Наср Фаробий. Фазилят, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: “Ёзувчи”, 2002. – 37 б.
3. Аль-Фараби. Философские трактаты. – Алма-Ата: Наука, 1970. – 303 с.
4. Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисоалари. – Тошкент: Фан, 1963.
5. Мухитдинова Ф.А. Фаробийнинг ҳуқуқий қарашлари. – Тошкент: Адолат, 2002.
6. Матлюбов Б.А. ва бошқ. Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – 295 б.
7. Мухамедов Ў.Х. ва бошқ. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга шарҳ. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – 133 б.
8. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ислохотлар. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. – 316 б.
9. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2018.
10. “Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб...” // Халқ сўзи. – 2017 йил, 15 декабрь